СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР — ПЕШТАХТА БЕЗАГИ 2-бет



«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ 3-4-5-бетлар

МЕҲРГА ТАШНА ҚАЛБЛАР 6-бет

ТЕМИР ЙЎЛЛАРДА — ТЕЗЮРАР ПОЕЗДЛАР 7-бет

ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 11 (10.064) / 2004 ЙИЛ 16 ЯНВАРЬ

## Пойтахтнинг бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### Қисқа сатрларда

● **КЕЧА** Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармасида «2004 йилда қандай солиқлар тўлаймиз?» мавзуида йиғилиш бўлиб ўтди.

● **«МЕҲР** зиёси» ўқув-услубий марказида Меҳр ва мурувват йилига бағишлаб ўтказилган «Меҳр ва мурувват маҳалладан бошланади» мавзуидаги тадбир Республика Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармасининг ташаббуси билан уюштирилди.

● **КЕЧА** Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасида Ибн Сино жамғармаси ташаббуси билан камқонликни даволаш учун Швейцариянинг «Вифор» дори ишлаб чиқариш компанияси тайёрлаган «Венофер» препаратининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

● **ТОШКЕНТ** Давлат юридик институтида «Жадидчилик ҳаракати ва миллий ўзликни англаш» мавзуида бўлиб ўтган давра суҳбатида адабиётшунослар, ҳуқуқшунос олимлар ҳамда талабалар иштирок этишди.

● **СОБИР** Раҳимов туман ҳокимлигида ички ишлар идоралари ходимлари, маҳаллалар посбонлари иштирокида уюштирилган йиғилишда жиноятчиликка қарши курашишда ички ишлар идоралари вакиллари ҳамда аҳолининг ўзаро ҳамкорлиги масаласи муҳокама этилди.

● **ТОШКЕНТ** тўқимачилик ва енгил саноат институтида талабалар иштирокида ўтказилган йиғилишда ёшлар онгига ватанпарварлик ғояларини чуқурроқ сингдириш хусусида сўз борди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КУВАЙТ ДАВЛАТИГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Кувайт Давлати Амири шайх Жобир ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ таклифига биноан 2004 йил 19-20 январь кунлари расмий ташриф билан Кувайтда бўлади.

Ташриф чоғида ўзаро муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари, томонларни қизиқтирган халқаро муаммоларнинг муҳокама этилиши ҳамда қатор муҳим ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.



«Охунбобоев номли бош кийимлар фабрикаси» ёпиқ акционерлик жамияти чеварлари маҳорати билан тикилаётган турли нусхадаги аёллар, эркаклар ва болалар бош кийимлари сифати ва қулайлиги билан харидорларни жалб этмоқда.

**СУРАТДА: корхона тикувчиси Муҳайё Абдуллаеванинг ана шундай маҳсулотлар тайёрлашда муҳим ҳиссаси бор.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.**

## Аёллар соғлиғи муҳофазада

***Юртимизда хотин-қизлар ва ўсиб келаётган авлод саломатлигини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соғлом оилани шакллантириш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш ишлари ижобий самара беряпти.***

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 июлда қабул қилинган қарори асосида тасдиқланган оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирларига оид мақсадли дастури муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда.

2002-2003 ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида «Репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш» мавзуида факультатив дарслар, олий ўқув юртларида «Тиббий билим асослари» курси жорий этилди.

Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасида ташкил этилган матбуот анжуманида ана шулар ҳақида сўз борди. Унда, шунингдек, ҳомиладор ва фарзанд кўриш ёшидаги аёллар орасида камқонликнинг олдини олишда аҳолининг кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига кўпроқ эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди.

## ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институтида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган илмий тадқиқотларни янада такомиллаштириш, фан соҳасида эришилаётган ютуқлардан амалиётда самарали фойдаланиш масалаларига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Тадбир Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг юртимиздаги ваколатхонаси ва АҚШнинг халқаро тараққиёт агентлиги /ЮСАИД/ ҳамкорлигида ташкил этилди.

Анжуманда сурункали касалликларнинг келиб чиқиши, уларнинг олдини олиш ва даволашга йўналтирилган тадқиқотларни такомиллаштириш, фармацевтика соҳасида илғор технологиялардан самарали фойдаланиш билан боғлиқ масалалар юзасидан маърузалар тингланди.

**ЎзА**

## ХАМДАРДЛИК БИЛДИРИЛДИ

*13 январь куни Тошкент аэропорти ҳудудида рўй берган авиаҳалокатда ҳалок бўлганлар орасида БМТнинг доимий мувофиқлаштирувчиси, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Ричард Конрой ҳам бор эди.*

*15 январь куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев БМТ ваколатхонасига ташриф буюриб, мамлакатимиз раҳбарияти ва халқимиз номидан ваколатхона ходимларига ҳамдардлик билдирди.*

***Ўзбекистонлик зиёратчиларнинг катта гуруҳи ислом арконларидан бири — ҳаж ибодатини адо этиш учун Саудия Арабистонига жўнаб кетишди.***

## ҲАЖ ЗИЁРАТИГА ЖЎНАШДИ

Ўзбекистон мусулмонлари идорасидан олинган маълумотга кўра, шу йилнинг 10 январь – 12 февраль кунлари мамлакатимизнинг 3800 нафар фуқароси муқаддас Каъба зиёратида бўлиб қайтишади.

Зиёратчиларни жўнатишни ташкил этиш, визалар олиш ва Саудия Арабистони элчихонаси билан боғланиш ишлари билан республика диний идораси шуғулланмоқда. Мазкур ишларга Ички ва ташқи ишлар вазирликлари, шунингдек Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳам жалб этилган.

Миллий валютамиз қадрининг мустаҳкамланганлиги боис ҳаж маросими билан боғлиқ тўловлар бу йил ўтган йилларга нисбатан йигирма фоизга арзонлашди. Бунга чипта нархи, меҳмонхона тўловлари, қурбонлик маросими, уч маҳал иссиқ овқат ва бошқа харажатлар киради.

Зиёрат чоғида ҳожиларга миллий таомлар тайёрлаб бериш учун бу йил биринчи марта тўрт кишидан иборат ошпазлар гуруҳи ҳам Саудия Арабистонига жўнатилди. Айтиш керакки, ҳаж ибодатини адо этиш учун бу йил Саудияга икки ярим миллиондан зиёд мусулмонларнинг келиши кутилмоқда.

**«Туркистон-пресс»**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

● **Йўловчилар ва экипаж аъзолари ҳаётдан кўз юмган авиаҳалокат муносабати билан хорижий давлатлар раҳбарларидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга чуқур ҳамдардлик билдирилган таъзияномалар келиши давом этмоқда.**

● **Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар марказида ўтказилган семинар доирасида НАТО Илмий қўмитасининг «Фан ёрдамида хавфсизлик» номли янги дастурининг тақдимоти бўлиб ўтди.**

● **Оролни қутқариш халқаро жамғармаси Нукус бўлими, Қорақалпоғистон ёзувчилар уюшмаси ва Ўзбекистон Бадиий академиясининг Қорақалпоғистон бўлими томонидан «Орол муаммоси — эл муаммоси» мавзуида эълон қилинган танлов якунланди.**

● **«Project HOPE» лойиҳасининг Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича иш олиб бораётган «Соғлом оила» дастури томонидан вилоят соғлиқни сақлаш муассасаларига умумий қиймати 108 минг АҚШ долларидан ортиқ тиббий асбоб-ускуна топширилди.**

● **«NEAKS 61 E» рақамли телекоммуникация станциясининг ишга туширилиши билан Когон тумани телефон тармоқлари абонентлари сони 8 мингтага кўпайди.**

### Жаҳонда

● **Мексиканинг Монтеррей шаҳрида Шимолий ва Жанубий Америка давлатлари раҳбарларининг саммити бўлиб ўтди. Қитъанинг 30 дан зиёд мамлакати раҳбарлари қатнашган анжуманда қашшоқлик ва коррупцияга қарши кураш, таълим ҳамда бошқа масалалар муҳокама қилинди.**

● **Ливия оммавий қирғин қуролларини яратишни тақиқловчи битимни ратификация қилди. Халқаро кузатувчилар гуруҳи Ливиянинг Мисрат туманини текширганидан сўнг мазкур ҳужжатни тайёрлади.**

● **Швейцария ҳукумати хавфсизлик чораларини кучайтириш мақсадида мамлакат аэропортларига самолётлар қўнишини тақиқланган авиакомпаниялар рўйхатини эълон қилди. Улар орасида Болгария, Нигерия, Испания, Украина ва бошқа мамлакатларнинг авиакомпаниялари бор.**

● **Москвада йўл ҳаракати хавфсизлиги назорати хизматининг фаолият юритаётган ва собиқ ходимлардан бир гуруҳи ўғирланган автомобилларни сотиш ҳамда расмийлаштиришда гумон билан ҳибсга олинди.**

## Сўранг, жавоб берамиз

**Оилага тарбияга олинган болаларнинг ҳуқуқлари ҳақида билмоқчи эдим.**

**С.Тўхтасинова, талаба.**

Оилага тарбияга берилган болалар:

ўзларига тегишли бўлган алимент, шунингдек пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий тўловларни олиш;

уй-жойга бўлган мулк ҳуқуқи ёки уй-жойлардан фойдаланиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ уй-жой олиш ҳуқуқларини сақлаб қоладилар.

Оилага тарбияга берилган болалар ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ота-онаси ва қариндошлари билан кўришиш ҳуқуқига ҳам эгадирлар.

Боланинг манфаатига дахлдор ҳар қандай масала оилада ҳал қилинаётганда бола ўз фикрини билдиришга ҳақли.

***

**Азалий урф-одатларимизга кўра тўйда куёв-келинга совға тариқасида турли зеб-зийнатлар ва саруполар берилади. Лекин никоҳдан ўтган ёшларнинг озгина вақт ўтгандан кейин муросаси келишолмай қолса, никоҳдан ажратилаётганда совғалар ҳам бўлинадими? Агар шундай бўлса, у қай тариқа бўлинади ёки тақсимланади?**

**Ш.Хуррамова, ҳамшира.**

Миллий урф-одатларга кўра, тўй муносабати билан қизга бериладиган сеп, қилинадиган сарупо, келин салом, чарлар ва чақириқларда эр ёки хотиннинг шахсий фойдаланувига берилган совғалар эр ва хотиннинг ҳар бирининг ўз хусусий мулки ҳисобланади.

Агар тортиқ келин салом, чақириқ, чарлар, туғилган кун муносабати билан эр-хотиннинг умумий фойдаланувига берилган квартира, автомашина, гилам, телевизор, магнитофон, мебель, музлатгич ва шу сингари буюм шаклидаги совға бўлса, бу мол-мулк эр-хотиннинг никоҳ давомида орттирган, яъни биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади, шу боисдан улар никоҳдан ажратиш вақтида тенг (баб-баравар) тақсимланиши лозим.

***

**Эшитишимга қараганда саримсоқ пиёз ҳуснбузарни кетказишда энг яхши даво эмиш. Шу ростми?**

**Д.Тўйчиева, уй бекаси.**

Ҳа, бу тўғри. Азал-азалдан Хитойда тананинг тилинган, кесилган жойларини ёки яраларни даволашда саримсоқ пиёздан фойдаланишган. Чунки саримсоқ пиёзда танани микроблардан муҳофаза этиш хусусияти кучли. Саримсоқ пиёздан балоғат ёшига етган йигит-қизларнинг ҳуснбузарларини йўқотишда ҳам фойдаланса бўлади. Бунинг учун ҳуснбузар чиқа бошлаши биланоқ унинг устига янги саримсоқ пиёзнинг сувини суртиб қўйиш керак. Саримсоқ пиёз суви суртилган ҳуснбузарлар тезда қуриб йўқолади.

*Тадбиркорлик*

## МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

***«Office Market» хусусий фирмаси ёрлиғи билан чиқарилаётган сифатли ва рақобатбардош қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари, идора бланкаси ва дафтарлари, турли хил таклифномалар бугунги харидор эътиборини қозониб ички бозорда ўз ўрнини топмоқда.***

Бунинг асосий боиси корхона тадбиркорларининг бозорни ўрганиш асосида иш юритаётгани, кичик ва хусусий бизнес ривожи учун яратилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланаётганидадир. Ҳозирда корхонанинг янги офиси ва бош дўкони билан биргаликда пойтахтимизда ҳамда республикамиз вилоятларида 25 дан зиёд буюртмалар қабул қилиш ва савдо шохобчалари фаолият кўрсатмоқда. Корхонада ўтган йилда замонавий савдо марказини ишга тушириш баробарида, цехлар замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланиб, 20 та қўшимча ишчи ўринлари яратилди.

Корхона маҳсулотларига буюртмалар сонининг ортиб бораётганини шундан ҳам билиш мумкинки, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йиллардагидан анча ортиқ бўлиб, 2003 йилда 150 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрлашга эришилди.

— Маҳсулотларимиз турлари кун сайин ортиб, сифати ҳам кўтарилиб бормоқда, — дейди жамоа раҳбари Раҳмонберди Мамасолиев. — Бу албатта, бозорни, хорижий ҳамкорлар тажрибасини ўрганиш ҳамда замонавий технологиялардан, юксак унумли матбаа ускуналаридан фойдаланиш эвазигадир. Цехларимиз Канада, Россиядан келтирилган матбаа дастгоҳлари билан жиҳозланган. Бундан ташқари Туркия, Хитой ва Финляндия давлатларидаги ҳамкорларимиз билан алоқани ҳам мустаҳкамлашга ҳаракат қилаяпмиз.




Корхона тадбиркорлари янги йилни улкан эзгу ниятлар билан бошлашди. Корхонанинг бир маромда ишлаётган цехларида ишлаб чиқарилаётган янги маҳсулот турлари ички бозорни таъминлаши билан бирга, ушбу рақобатбардош товарларни экспорт қилиш ҳам режаланмоқда. Чунончи, 2010 йилгача бўлган ишлаб чиқаришни ривожлантириш режасидан янги технологиялар келтириш, ишлаб чиқариш ҳажмини, маҳсулот сифатини янада ошириш муҳим ўрин эгаллаган. Барча вилоятларда эса фирма дўконларини очиш ҳам асосий мақсадлар сирасига киради. Ана шунда «Office Market»нинг сифатли маҳсулотлари мамлакатимиздаги барча харидорларга етиб боради ва уларнинг талабини қондиради.

**Шарофат БАҲРОМОВА**

**СУРАТДА: корхона сараловчиси Хуршида Соипова.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.**

*Фармон ва ижро*

## РАҲМАТ СИЗГА, ОДАМЛАР

***Халқимизда «ҳаётни яшаб ўтиш шунчаки катта майдонни босиб ўтиш эмас, балки унинг барча қийинчиликларига бардош бериш, оғирини кўтариб, аччиғини татибгина бебаҳо неъматларидан баҳраманд бўлишдир», деган ҳикмат бор.***

Дарҳақиқат, ҳаётнинг лаззатлари бисёр, аммо машаққатлари ҳам оз эмас. Ҳар бир инсон умри давомида кўп маротаба бир неча имкониятдан фақат бирини танлаш олдида туради. Эзгу мақсадларига эришиш ниятида кимдир энг қийин, тўсиқлари кўп йўлни танлайди. Бошқа бировлар жонини койитмасдан, борига шукр қилиб яшашни маъқул кўради. Яна кимдир эса...

Мутахассислар фикрига қараганда, жамият қонунларига ёт ва хилоф бўлган— жиноят содир этишга ундовчи йўлни танлаёттган кишининг хулқи ва руҳияти ҳолатини аниқ тушунтириб бериш ўта мушкул экан. Афсуски, билиб ёки билмасдан, лекин кечириб бўлмас даражада содир этган хатоларини бундай кишилар анча кеч, қачонки Қонун олдида жавоб беришига тўғри келганда англаб етади. Қонун эса энг одил ҳакам — бешафқат, аммо вақти келганда инсонпарвар ҳамдир. Бешафқатлиги шундаки, ўз хатти-ҳаракати билан ўзгалар эркинлигига хавф туғдирадиган шахслар уларга жамиятда ўрин эгаллашга ҳақли эмаслигини тушуниб етиши учун қилмишига яраша жазо олиши муқаррар. Қачонки жиноятга қўл урганлар тавба-тазарру қилса, Қонун инсонпарвардир.

Мана неча йилдирки Бош Қомусимиз — Конституция куни арафасида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг жиноят йўлига адашиб кириб қолганларга нисбатан авф ҳужжати — ҳар бир банди бағрикенглик, меҳр-шафқат, ишонч ва умид каби энг олижаноб тушунчаларни ифода этувчи Фармони эълон қилинади.

Ўзбекистон Конституциясининг 11 йиллиги муносабати билан қабул қилинган амнистия тўғрисидаги Фармонга асосан уч ой муддат ичида ҳар бир авф этилган маҳкум озод қилиниб соғлом турмушга қайтиши учун тегишли шароитлар яратилиши лозимлиги белгиланган. Жазони ўташ жойларидан муддатидан илгари озод этилганлар орасида аёллар, вояга етмаганлар, кексалар, чет эл фуқаролари, ҳаттоки экстремистик ташкилотлар фаолиятида иштирок этиб тузалиш йўлига ўтганлар ҳам бор.

Тошкент шаҳри бўйича 800 дан зиёд авф этилганларнинг кўпчилиги шу кунларда оила аъзолари бағрига қайтди. Уларнинг янги ҳаётга мослашиши қандай кечмоқда? Ҳаммасида ҳам бошпана борми? Ҳужжатлари тикландими? Моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиляптими? Ишга жойлаштириш масаласи ҳал этилдими? Шу каби саволлар бугунги кунда фақат озодликка чиққан шахс ёки унинг яқинлари ташвиши бўлибгина қолмай, балки маҳалла аҳли, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, ижтимоий таъминот, меҳнат, соғлиқни сақлаш идоралари вакилларининг ҳам вазифаси, ҳам инсоний бурчидир.

Жойларда бу борадаги ишлар жараёни қандай кечмоқда? Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги,прокуратура, ички ишлар идоралари томонидан «Янги Камолон» маҳалласи негизида ташкил қилинган кенгайтирилган йиғилишда ўтган бир ярим ой вақт мобайнида тумандаги 48 та маҳалла бўйича бу борадаги олиб борилган ишлар ҳар томонлама муҳокама қилинди.

— Таҳлиллар шуни кўрсатадики, бир неча йилдан бери ушбу йўналишда иш олиб борилаётган бўлсада, бироқ муаммолар кўп ва бунинг асосий сабаби мутасадди ташкилот ва муассасаларнинг бир-бири билан узвий боғлиқлиги амалда тўлиқ ифодасини топмаётганидадир, — деди Шайхонтоҳур тумани ички ишлар бўлими бошлиғи Қобил Накибов. — Амнистия — жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликни профилактика қилишда энг таъсирчан усул, шунингдек авф этилганларнинг келгусида соғлом ҳаётга тезроқ мослашиб кетишига яратилаётган энг мақбул имкониятдир. Шуни инобатга олган ҳолда, бизнинг биринчи галдаги вазифамиз маҳалла фаоллари ва тегишли мутасадди идоралар билан биргаликда адашганларга ўзига ишонч ҳосил қилиб, тўғри йўлга қайтишига ёрдам беришдир. Ўз навбатида, бевосита вазифаларимизни адо этиш жараёнида бирон бир муаммо юзага келмаслигининг олдини олиш учун барча имкониятлардан фойдаланишимиз керак, ҳолбуки айни пайтда биз билан мулоқотда бўлаётган кишилар онгини умидсизлик чулғаб олган ва уларнинг янги шароитга кўникиши осон кечмаслигини тушунишга ҳаракат қилишимиз даркор. Муҳими, ҳаётга мослашиш жараёнининг бошиданоқ бундай шахсларнинг жамоатчилик, атрофдагилар уларга бепарво эмас, балки ҳар томонлама ёрдам қўлини чўзишга тайёр эканини ҳис этса, тез орада руҳиятидаги тўсиқни енгиб олади. Аммо ўтган йиллар тажрибаси шуни кўрсатдики, жазони ўтаб қайтганларга нисбатан айрим масъул шахслар лоқайд, қўпол муносабатда бўлгани ҳам сир эмас. Бу борада рўйхатдан ўтказиш, иш билан таъминлаш, тиббий кўрикдан ўтиш масалаларида сунъий равишда муаммолар юзага келишини ҳам шу сабаб орқали изоҳлаш мумкин. Ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, хусусан жойлардаги профилактика нозирлари томонидан ҳам камчиликларга йўл қўйилаётганини инкор қилиб бўлмайди. Айниқса уларнинг маҳалла фаоллари билан ҳамкорлиги ҳануз амалий кўринишга эга эмаслиги ачинарли ҳолдир. Шу билан бирга баъзан оқсоқоллар ҳам кечаётган бундай муҳим ижтимоий-сиёсий жараённинг моҳияти ва долзарблигини яхши тушуниб етмаётганини кузатиш мумкин. Жумладан, айрим оқсоқоллар ўз маҳалласида истиқомат қилган авф этилган шахсларга яна ножўя ҳаракат қилмаслигига кафолат йўқ, деб тавсифнома беришга чўчийди. Юртбошимизнинг жиноят содир этиб қилмишига пушаймон бўлганларнинг ҳам жамиятга нафи тегишига ишонч билдиргани наҳотки кифоя эмас? Нима учун биз ҳаётда адашганларга ёрдам беришни истамаймиз? Фармон ижросини вақтида ва тўла таъминлаш мақсадида ҳар бир амнистияга тушган кишиларга ҳужжатларини тиклаши, ишга жойлашиши, тиббий кўрикдан ўтиши, бошқа масалаларида яқиндан кўмаклашиш, токи барча муаммолар ечими топилмагунга қадар уларни ёлғизлатиб, назардан четда қолдирмасликка ҳаракат қилишимиз лозим. Қолаверса, хатосини англаб етган киши ҳам меҳрга муҳтож, унга тўғри йўлни танлашга ва мустаҳкам қадам қўйишига биргаликда ёндошилса фойдадан ҳоли бўлмайди.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**

Шарқ дурдоналари

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

## ИБРАТЛИ ҲИКОЯТЛАР

Бир куни Анушервон ўзи танҳо ўтирган эди. Кўп ўтмай унинг олдига Юнон, Мубад, Фарруҳзод, Бузуржмеҳр ва бошқалар кириб келишди. Анушервон уларга қараб деди:

— Бу катта анжуман бўлди. Келинглар, ҳар биримиз биттадан ҳикматли гап айтайлик. Токи бошқалар ундан ибрат олсин!

Сўнг Мубадга қараб:

— Сен нима дейсан? — деди.

Мубад деди:

— Икки нарса борки, улар бир-биридан яхшидир. Масалан, ҳунар доно билимдан, яхши иш яхши сўздан афзал.

Анушервон:

— Кенгроқ тушунтир! — деди.

Мубад давом этди:

— Ҳар кимнинг ҳунари бўлмаса, у қуруқ девор билан тенг. Ҳар кимнинг сўзи чиройли бўлсаю иши ёмон бўлса, фойдасиз шамол кабидир.

Анушервон Хуршидга қараб:

— Сен нима дейсан? — деди.

Хуршид:

— Жаҳонда икки нарса бор. Ундан ҳеч нарса яхши эмас. Биринчиси, хурсандлик ва иккинчиси беозорлик! — деди.

— Кенгроқ тушунтир! — деди.

Хуршид:

— Ҳар ким борига қаноат қилиб, хурсанд яшаса, ҳеч кимга эҳтиёжи тушмайди. Кимки ҳеч кимсага озор бермаса, ҳеч кимни хафа қилмаса, унга ҳеч кимдан хавф етмайди! — деди.

Анушервон Бузуржмеҳрга қараб:

— Сен нима дейсан? — деб сўради.

Бузуржмеҳр:

— Эй Анушервон, одамлар қуйидаги нарсаларга амал қилмасалар, ҳеч қачон хурсандчиликка етмайдилар. Масалан, борига қаноат қилмаса, етиша олмайдиган нарсага интилса, ўзга киши қўлида бўлган нарсага очкўзлик билан қараса! — деб жавоб берди.

Анушервон ундан яна ҳам кенгроқ қилиб сўзлашни сўради. У деди:

— Хурсанд шундай кишики, нима топса, қаноат қилади, топганига шукр қилиб, умрини ғамсиз ўтказади. Очкўз киши ҳеч қачон рост йўлдан юрмайди, ҳамиша кўнгли бемор бўлади. Ҳар ким ўзини яхшилик йўлига солса, ҳамма ёмонликдан омон бўлади, жаҳонда тинч ва осуда яшайди.

Анушервон Юнонга қараб:

— Сен нима дейсан? — деди.

Юнон шундай деб жавоб берди:

— Етти нарса борки, ҳар ким бу етти нарсага амал қилса, дунёда яхши отлиқ бўлади. Биринчиси, дунёда донолар маслаҳати билан иш қилса. Иккинчиси, ўз жойида бўлса, учинчиси — адолатли бўлса, тўртинчиси, сабрли бўлса, бешинчи, биркесар бўлмаслик, олтинчиси, фойдадан ўзгаларни баҳрадор қилса, еттинчиси камтарлик қилса.

*2004 — Меҳр ва мурувват йили*

# ЎКСИК ҚАЛБЛАРГА ИЛИҚЛИК БАҒИШЛАДИ

***Меҳр ва мурувват деганда биз аввало атрофимиздаги ёрдамга муҳтож бўлган ногиронлар, ота-она меҳридан бенасиб бўлган етим-есирлар, бева-бечоралар, кўмакка муҳтож инсонларга кўрсатиладиган беминнат ғамхўрликни, ёрдамни тушунамиз.***

2004 йилнинг Меҳр ва мурувват йили деб номланиши эса эзгу тилакли ҳар бир инсон қалбига илиқлик, хайрли ниятларга хайрихоҳлик бағишлади. Эндигина ҳаёт остонасига қадам қўяётган, келажакка катта умид билан боқаётган ёшлар ҳам ушбу хислатлардан бебаҳра эмаслар.

Куни кеча Тошкент автомобиль йўллари институти қошидаги Акмал Икромов номли аниқ фанларга ихтисослашган академик лицейнинг бир гуруҳ талабалари устозлари Гулнора Тожиева ва Дилбар Шариповалар ҳамроҳлигида Собир Раҳимов туманидаги 22-меҳрибонлик уйи ва 100-махсус мактаб интернатда бўлдилар.

Талабалар ўзлари билан олиб борган совға-саломлари, ўқув қуролларини меҳрибонлик уйида таълим-тарбия олаётган болажонлар ва махсус мактаб-интернатнинг ногирон ўғил-қизларига туҳфа этдилар. Чиройли байрам томошалари, қизиқарли суҳбатлар болажонларда катта таассурот қолдирди. Талабалар эртанги кунга умид ва ишонч билан қараш лозимлиги, улар ҳамиша давлатимиз ва ҳимматли халқимиз ғамхўрлиги ва эътиборида эканликларини айтиб кўнгилларини кўтардилар.

— Меҳр ва мурувват йилида яна кўплаб хайрли тадбирларни режалаб қўйдик, — дейди лицей директори Жаҳонгир Қодиров. — Ҳаммадан қувонарлиси бундай эзгу тадбирларда ёшларимизнинг фаол ва юракдан иштирок этаётганлигидир. Ўйлайманки, лицейимиз ўқувчилари ушбу йилда яхши ўқишлари, жамоат ишларида фаол иштироклари, ёрдамга муҳтож инсонларга беминнат кўмак беришлари билан тенгдошларига ўрнак бўладилар.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

## «АЙБ СИЗДА ЭМАС, ЎҒЛИМ»

— Тўғри қилдимми ёки нотўғрими, билмадим, лекин ўз отамни ўзим суд қилдим.

Қодиржоннинг бу гапи бизни анча ўйлантириб қўйди. Наҳот ўғил ўз отаси устидан ҳукм чиқарса? Бу камдан-кам учрайдиган ҳолат. Шу мулоҳазага бориб унга шундай дедик:

— Ўғлим, отангиз ҳар қанча гуноҳкор бўлса-да, ҳар қалай у сизнинг падарингиз экан. Шундай бўлгач уни суд қилишдан воз кечсангиз бўларди-ку.

— Ҳамма гап шунда-да. У одамнинг отам эканлигини ҳукм ўқилганидан кейин билиб қолдим.

— Ахир, қандай қилиб у...

— Олий ўқув юртини битириб туман судида иш бошлаганимга анчагина вақт бўлди. Яқинда раҳбаримиз ҳузурига чақириб: «Энди сиз етарли тажрибага эгасиз. Сизга ишониб мустақил иш топширсак бўлади. Мана бу тергов хулосалари билан танишиб чиқиб, ишга киришинг», деб қўлимга бир папкани тутқазди.

Танишиб чиқдим. Ҳотамжон Раҳимов. 1956 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Миллати ўзбек. Хусусий корхона раҳбари. Айни дамда Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида истиқомат қилади. Оилали. 5 та боласи бор. 2003 йилнинг 5 ноябрида шахсий «Нексия» машинасида кечки соат 20.00 да йўл-транспорт қоидасига риоя қилмай, рулни маст ҳолда бошқариш оқибатида болали аёлни уриб юборган. Оғир жароҳат натижасида аёл ва унинг қўлидаги бола воқеа содир бўлган жойнинг ўзида вафот этган. Айбдор Раҳимов жабрланувчиларга биринчи ёрдам кўрсатиш ўрнига жиноят изини яшириш мақсадида воқеа жойидан қочиб кетган. Гувоҳлар кўрсатмаси билан эртасига у қўлга олинган. Терговда айбига тўла иқрорлик билдирган. Бор гап шу.

Ҳайъат аъзолари билан келишган ҳолда суд куни белгиланди. Онажонимнинг бирдан-бир орзуси эса менинг мустақил иш бошлаган кунимни кўриш, ўша судда шахсан ўзи қатнашиш эди. Онамга шу ҳақда айтганимда, у бажонидил ўша куни бориб, суд жараёнини кузатадиган бўлди.

— Қани кўрайчи, менинг ўғлим ўз бурчини қандай бажараркин? — деди у киши мени қучиб.

Орадан уч-тўрт кун ўтиб, ўша ишни кўриб чиқдик. Ҳайъат аъзолари тергов хулосалари билан яна бир бор таништирилди. Гувоҳлар кўрсатмаси, қораловчи ва оқловчи маърузаларидан сўнг айбланувчига сўз берилди.

Табиийки, у ўз айбини тан олиб, қилмишидан пушаймонлиги, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиши, оилавий шароитини айтиб, суддан айбни енгиллаштирувчи жазо берилишини сўради.

Ҳукм ўқилди. Жиноятчи қилмишига яраша жазо олди. Охирида залга назар солсам онажоним ўтирган жойида йўқ. Ҳайрон бўлдим. Ўғлининг мустақил ишини ўз кўзи билан кўриш орзусида юрган одам қаёққа ғойиб бўлди? Нега суд жараёнини охиригача кузатмади? Шундай хаёлларда кечқурун уйга қайтсам онам бир ҳолатда кўрпа-тўшак қилиб ётибди.

— Тинчликми? Сизга нима бўлди? — десам у:

— Бирдан юрагим хуруж қилиб қолди, — деди тушкун кайфиятда.

Гап орасида бугунги суд жараёни ҳақида сўз очдим.

— Қалай, сизга маъқулми? — дедим жилмайган бўлиб.

— Ёмон эмас, — дедилар уҳ тортиб. — Лекин юрагимнинг бир чеккаси ғаш бўлиб қолди-да, болам.

— Нега, нимага? — дедим бирор хатога йўл қўйдиммикан деган ўйда.

— Ўғлим, энди сенга бор гапни айтмай иложим йўқ. Ўша жиноятчи сенинг отанг эди. Ҳали сен чақалоқлик пайтингдаёқ у бизни ташлаб кетиб қолган. Мурғак қалбингни ўкситмаслик учун отанг ўлган, деб сендан бор ҳақиқатни яширган эдим.

Бутун баданимга муз югурди. Бунга ким айбдор деб сўрабистаб ҳам ўтирмадим. Қолаверса майда гап билан онамнинг нотинч юрагига баттар озор беришни истамадим.

Узоқ жим қолдик. Кейин воқеани англаб етгач ўртадаги сукунатни бузиб:

— Айб сизда эмас экан ўғлим, энг муҳими сиз ўз бурчингизни виждонан бажаргансиз, — деган сўзлар билан йигитнинг кўнглига таскин бердик.

*ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН*

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## ДИЛОЗОРДАН ЭЛ БЕЗОР

«Ҳурматли Зийрак бобо, мен Юнусобод туманидаги 18-мавзеда жойлашган 20-уйда яшайман. Ёшим 27 да. Шу вақтгача газета ва журналларга ҳеч нарса ёзмаганман. Лекин бу сафар ёзишга аҳд қилдим, чунки яқинда ҳаётимда рўй берган бир воқеа менга сира тинчлик бермай қўйди. Юрсам ҳам, турсам ҳам хўрлигим келиб тўлқинланаман.

Нима қилай, ҳаётда ҳамма инсонлар ҳам мукаммал яратилавермас экан. Мен ҳам шундайлардanman. Онадан икки оёғим шол бўлиб туғилганман. Қўлтиқтаёқда аранг юраман. Ота-онам қанчадан-қанча шифокорларга мурожаат қилишди, лекин ҳеч ким дардимга даво тополмади. Яқинда Юнусободга қатновчи автобуслардан бирига ўтирдим. Тушадиган бекатимга етиб келгач, ҳайдовчидан машинани тўхтатиб юборишини илтимос қилдим. У бекатда «одам кўп экан» деб тўхтамади. Мен оёғим ногиронлигини айтгандим, ҳайдовчи кулги аралаш ўшқирди:

— Ундай бўлса кўчада нима қиласиз? Тинчгина уйда ўтирсангиз бўлмайдими? Тавба, одамларга ҳайронсан. Оёғи чўлоқ, кўзи кўр бўлса-да худди соппа-соғ кишидек кўчага югургани югурган. Кўпчилик олдида мулзам бўлиб кетдим. Кимдир менинг ёнимни олди, кимдир устимдан кулди. Томоғимга аччиқ нарса тиқилиб гапиролмай қолдим. Ўкинчимдан йиғлаб юбордим. Кейин нима бўлганини, уйга қандай етиб келганимни билмайман.

Ойижоним аҳволимни кўриб қўрқиб кетдилар. Бир нохушликни сезгандек, мен томон югуриб келдилар-да, индамай бағриларига босдилар. Онажонимнинг иссиқ қалби озор топган дилимга илиқлик киритгандек бўлса-да, барибир анчагача ўзимга келмадим.

Балки ўша ҳайдовчининг ҳам бола-чақаси бордир. Наҳот яхши ният билан оила тебратиб, фарзанд ўстираётган одам ўзгалар ожизлигидан кулиб, жамоатчилик олдида уни масхаралаб ўтирса. Наҳотки, бу беадабгарчилиги бир бечоранинг кўксига ўқ каби қадалаётганини ўша дилозорнинг ўзи сезмаса?»

Очиғи, ушбу қисқагина мактубни ўқиб туриб ғалати бўлиб кетдик. Кўз олдимизда ўша соддадил беозор қиз, кейин унга ўшқираётган ҳайдовчининг беўхшов қиёфаси жонланди. Бирига раҳминг келади, бирига эса қаҳринг.

Фароғатхоннинг ўкинч тўла ушбу мактубини баъзи дилозор ҳайдовчиларга, инсон тақдири билан боғлиқ воқеа ва ҳодисаларга бефарқ қаровчи, ўзига ўта бино қўйган, меҳр-мурувват кўчасидан ўтмаган баъзи нусхаларга ибрат бўлар деган мақсадда тўлалигича газетхонлар эътиборига ҳавола этдик.

## ХИЗМАТИДАН БАРАКА ТОПАСИЗ, ЛЕКИН...

Тадбиркорларга раҳмат. Нимага эҳтиёж кўпроқ сезилса, дарҳол шуни кўпайтириш чорасини кўришади. Бунинг биргина мисоли сифатида шаҳримиз кўчалари бўйлаб турна қатор кетган дорихоналарни, жойларда қўзиқориндек тез пайдо бўлаётган ёнилғи қуйиш шохобчаларини келтиришимиз мумкин. Шу боис ҳозир шаҳарда дорихона-ю, бензин қуйиш шохобчалари масаласида пешонамиз ярқираб қолган. У ердаги хизматчиларнинг тезкорлигини айтмайсизми. Станцияга шундай кирсангиз бас. Шоввозлар бир зумда ҳожатингизни раво қилишади. Деярли сиз машинангиздан тушмай туриб барча ишингизни битказиб беришади. Чаққон йигитлардан бириси бак қопқоғини бураб очган, бириси унга ёнилғи қуйган, яна биттаси эса ойнангизни артиб тозалаган. Хуллас, хизматдан барака топасиз, лекин... Нима демоқчи эканлигимизни билдингиз чоғи? Тўғри топдингиз. Баъзида бензиндан барака топмайсиз. Кўпчилик операторлар ҳисобдагидан ёнилғини камроқ қуйишга одатланишган. Масалан, улар 10 литр бензиндан 1 литр уриб қолишмаса, кўнгиллари жойига тушмайди. Баъзида эса бу миқдор ошиб кетганидан асабингиз қўзийди. Энг ёмони шу юлғичликни қилаётганлар айбларини бўйниларига олишмай, ўзлариникини маъқуллаб туришади.

Яқинда катта йўл бўйидаги ёнилғи қуйиш станциясига кирдик. 20 литр бензинга ҳақ тўлаб, талон олдик-да уни қуювчига узатдик. Белгиларга қараб турсак, машинамиз бакига 18 литр бензин қуйилди.

— Нега ундай бўлди? — сўраймиз қуювчидан.

— Билмайман, бориб оператордан сўранг.

— Тўғри қуйдик-ку отахон, — дейди оператор бизнинг норозилигимизга унчалик эътибор бермай.

Талашиб-тортишишларимиз кор қилмади. Шунда шохобча бошлиғининг исми-фамилиясини сўрадик.

— Исми Даврон, фамилиясини билмайман.

Ана холос. Ўз бошлиғининг фамилиясини билмаган хизматчини энди кўриб туришимиз. На чора, ҳар қалай гап эгасини топар деган мақсадда ушбу воқеани сизлар билан баҳам кўришга аҳд қилдик, азизлар.

*Ажойиботлар*

## ҚАЛАМЛАР

Қаламлар кўпдан бери маълум бўлиб, уларнинг эски намуналари бугунгилардан анча фарқ қилади.

XVI асргача қалай, қўрғошин ва кумушларни чўп шаклига келтириб, учи ўткирлаштириб алоҳида тахталарга ёзилган.

1560 йилда биринчи графитли қалам Англияда тайёрланган. 1842 йилга келиб Россияда биринчи қалам фабрикаси ташкил этилган ва қалам чиқарила бошлаган.

Бутун дунё бўйича шу кеча кундузда йилига бир миллиард донадан ортиқ қалам чиқарилади. Уларнинг катта-кичиклиги 60 миллиметрдан 2 сантиметргача боради. Иштиёқ билан ёзиш учун уларни турли попук, маржон қўнғироқчалар билан ҳам безатадилар.

## ТЎШАКДА ҚИМИРЛАМАЙ

Нью-Йорк штатидаги Ўэспихилз шаҳри фуқароси 24 яшар Майкл Эдильман бир жойда — тўшакда қимирламай яшаб келмоқда. Уни уйидан чиқариш қийин бўлмоқда. Гап шундаки, оғирлиги 263 килограмм бўлган Майкл ўрнидан қўзғала олмайди. Яқинда у турадиган уйни тўла таъмирлаш керак бўлиб қолди. Бироқ шифокорлар Майклни ўта эҳтиёткорлик билан қўзғатиш лозимлиги ҳақида огоҳлантиришди. Алп қоринбойнинг адвокати хабар беришича, шаҳар ҳукуматига махсус автокран ёрдамида Майклни ўрнидан қўзғатмасдан тўшак билан бирга юк машинасига олишни таклиф қилишган. Сабаби яқинда эҳтиётсизлик билан тўшагидан қулаб тушган Майклни ўрнига қайта ётқизиш учун махсус автокран чақирилган эди.

## ТОЗАЛИКНИНГ БАҲОСИ

Болтиқбўйи давлатларига бориб келган кишилар у ерда тозалик ва озодаликка жуда катта эътибор берилиши ҳақида кўп гапирадилар. Бунга улар қандай эришадилар, деган савол эса кўпчиликни қизиқтиради. Сабаби битта, у ҳам бўлса қатъий чоралар қўлланилади. Биргина Латвиянинг Вентспил шаҳридаги аҳволга кўз югуртирайлик. Бу порт шаҳрининг чекиш ман қилинган жойида тамаки тутатиб қўйдингми, бас, дарҳол 50 лат жарима тўлайсан (лат доллардан икки баравар қиммат бўлиб, мамлакатдаги ўртача пенсия 30 латга тенгдир). Сигарета қолдиғини кўринган ерга ташлаб кетувчилар, писта чақиб, пўчоғини йўлакка ташловчилар, белгиланмаган жойда машинасини ювувчилар, кечаси соат 23 дан эрталаб 6 гача ўз уйида магнитофонни баланд овоз билан «сайратувчилар»ни ҳам худди шундай жарима кутади. Кўчада, шунингдек, жамоат жойларида туфлаш, ювилган кийимларни балконга илиб қўйиш, йўл бўйидаги майсалар устида юриш 10 лат билан жазоланади.

**Шу йилнинг 15 январидан "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси йўловчи поездлари ҳаракат жадвалида янги йўналиш пайдо бўлди. У мамлакатимиз пойтахти - Тошкентни қадимий ва навқирон Самарқанд билан боғлайди. Ушбу йўналишда синов рейси 2004 йил арафасида амалга оширилди.**

# XXI АСР ПОЕЗДЛАРИ

Мазкур йўналиш мамлакатимиз ички йўналишларида авиаторлар ва автомобилчилар ўртасида мижозлар учун рақобатни ҳисобга олган, шунингдек Буюк ипак йўлининг мазкур қисмидан поездда ўтишни хоҳловчи хорижий саёҳатчилар учун қулай шароитлар яратиш мақсадида очилди. Тезюрар салкам уч юз километрлик йўлни атиги уч ярим соатда босиб ўтади. Бу айни пайтда мазкур йўналишда қатновчи оддий поездлар тезлигидан икки марта кўпдир.

Марказий Осиё минтақасида биринчи бўлиб ушбу лойиҳани рўёбга чиқариш темирйўлчилардан кўплаб муаммоларни ҳал этишни талаб этарди. Бунда энг масъулиятли вазифа йўлчилар зиммасига тушди. Поезд соатига 120 километр тезликда ҳаракатланиши учун равон йўл лозим. Шу боис мазкур ҳудуддаги рельслар Осиё тараққиёт банки инвестиция лойиҳаси доирасида узун рельсларга алмаштирилди.

Ҳаракатдаги таркибни шакллантириш масаласи ҳам ҳал этилди. "Ўзбекистон" электровозини тортувчи тезюрар поезд ЕТТБ маблағи эвазига ХХРдаги Чжучжоу электровоз заводида яратилди. Тезюрарни Тошкентга жўнатиш арафасида "Ўзбекистон темир йўллари" ДАК раиси Очилбой Раматов бошчилигида ўзбекистонлик вакиллар мазкур заводда бўлишди. Вакиллар янги техникани қўздан кечириб, унинг техник-иқтисодий кўрсаткичларидан қониқиш ҳосил қилишди.

Янги электровозга Россия Федерациясининг "Тверь вагонсозлик заводи" билан ҳамкорликда тайёрланган вагонлар уланади. Ушбу корхонанинг танланганн бежиз эмас. Бир неча ўн йилдирки йўловчи вагонлар ишлаб чиқариб, катта тажриба орттирган Твердаги завод халқаро сертификатни қўлга киритган. Ушбу устунликлар, шунингдек ҳар қандай буюртмани қисқа муддатда бажариш имкониятлари туфайли у "Ўзбекистон темир йўллари" эълон қилган тендерда ғолиб чиқди. Айтмоқчи, темир йўл паркини янгилаш мақсадида бу заводдан яна янги вагонлар сотиб олиш кўзланмоқда.

Ўшанда бундай вагонлардан олтитаси буюртма қилинганди. Улардан бири намуна сифатида келтирилди, қолганлари эса Тошкент йўловчи вагонларни таъмирлаш заводида йиғилди. Мамлакатимизнинг ЎзДЭУавто, "Кварц", "Хива-Карпет" ва бошқа корхоналари жамоалари ҳам ишга бош қўшишдики, бу ўз навбатида салмоқли валютани тежаш имконини берди. Зангламайдиган пўлатдан тайёрланган вагонлар кишининг ҳавасини келтиради. Люкс вагонлар телевизор билан жиҳозланган, алоҳида электр, иситиш ва ёритиш таъминотига эга.

Шу ўринда компаниянинг сигнализация, алоқа ва энергетика бошқармаси мутахассислари ишлари таҳсинга сазовор. Улар тезюрар поезд ҳаракатида ўзларига тегишли барча юмушларни аъло даражада уддалашди. Йўналишга хизмат қилувчи кадрларни тайёрлаш муаммоси ҳам ҳал этилди. Янги йўналиш мамлакатимиз аҳолисининг узоғини яқин қилибгина қолмай, бу соҳада энг замонавий қулайликлардан фойдаланиш имконини беради. Бир сўз билан айтганда, у жонажон Ўзбекистонимизнинг эртанги кунига хизмат қилади.

**А.АЗИМОВ,**
**"Туркистон-пресс"**

# *МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ*

*19 — 25 январь*



**Қўй — (21 март — 20 апрель)** — Тадбиркорларга бу ҳафта омад кулиб боқади. Йўлаган режаларингиз сиз кутгандек аъло бўлиши эҳтимол. Яқин кунларда яна бир янги иш бошлаш арафасидасиз.



**Бузоқ — (21 апрель — 20 май)** — Ҳафтанинг биринчи ярмида иш юзасидан сафарга отланишингиз мумкин. Оилангиздаги айрим муаммоларни ҳал қилишингиз керак бўлади.



**Эгизаклар (21 май — 21 июнь)** — Ушбу ҳафта молиявий аҳволингиз бирмунча яхшиланади. Катта харажатлардан йироқ бўлинг, акс ҳолда иқтисодий тангликка дуч келасиз.



**Қисқичбақа (22 июнь — 23 июль)** — Ҳафта оилангизда қувончли хушхабар ва воқеалар билан бошланади. Фарзандларингиз ютуғидан айниқса қалбингиз шодликка тўлади.



**Арслон (24 июль — 23 август)** — Кўнглингиз чопмаган ишларни таваккал бошламанг. Аввал яхшилаб ўйланг, ишонган дўст ва яқинларингиз маслаҳатига ҳам қулоқ тутинг.



**Паризод (24 август — 21 сентябрь)** — Ушбу ҳафта бор куч ва имкониятингизни ишга сарфламай соғлиғингизга жиддий эътибор қаратинг. Якшанба кунлари дам олишни унутманг.



**Тарозу (22 сентябрь — 23 октябрь)** — Қатъиятлилик ва фаоллигингиз сизга омад келтиради. Хизмат жойингизда юқори поғоналар сизни кутмоқда.



**Чаён (24 октябрь — 22 ноябрь)** — Бу ҳафта енгил-елпи бажарган ишларингиз юзасидан муаммолар туғилиши мумкин. Ишга жиддий ёндошиб хатоларни тузатишга киришинг.



**Ўқотар (23 ноябрь — 21 декабрь)** — Ҳафта бошида сизни қийнаётган турли саволлар ўз ечимини топади. Оиладаги тушунмовчиликлар унутилиб, хотиржамликка эришасиз.



**Тоғ эчкиси (22 декабрь — 19 январь)** — Шанба ва якшанба кунлари бекорчи юришларни четга суриб дам олишни ўйланг. Соғлиғингиз безовта қилиши мумкин.



**Қовға (21 январь — 19 февраль)** — Сиз меҳнатни биринчи ўринда деб ўйлайсиз. Лекин ҳаётда оила ташвишларини ҳам, яқинларингиз қалбига қулоқ тутишни ҳам унутманг.



**Балиқ (20 февраль — 20 март)** — Ҳафта бошидан ишбилармон ҳамкорларингиз билан яхши натижаларга эришасиз. Бошлаган ишингиз келгусида яхши даромад келтиради.

*Анжуманлар*

## ФАХРЛИ НОМГА ЭГА БЎЛДИЛАР

***Очиқ жамият — Ўзбекистон кўмак институти (Сорос жамғармаси) ташаббуси билан «Мактабда услубий хизматни такомиллаштириш» мавзуида семинар-тренинглар ўтказиб келинмоқда. Бундай тадбирлар ўқитишнинг энг янги технологиялари, ноанъанавий усул-услублар асосида ташкил этилмоқда.***

Бундай таълимий тренингларда фаоллик кўрсатган педагогик жамоалар муносиб тақдирланиб, Сорос жамғармаси томонидан халқаро тренинг номига сазовор бўлмоқдалар. Тошкент Давлат техника университети ҳузуридаги академик лицей ўқитувчиси Умар Зиёев ҳам бундай фахрли номни қўлга киритди.

Навбатдаги семинар-тренинг иштирокчилари эса «Моҳир тақдимотчи», «Ажойиб ташкилотчи», «Гуруҳ оқили», «Энг ижодкор тингловчи» кабн номинацияларга сазовор бўлди.

**Акбар АЛИЕВ**


ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

***БАНКРОТЛИК ҲАҚИДА СУД МАЖЛИСИ, КРЕДИТОРЛАРНИНГ 1-ЙИҒИЛИШИ ВА ҚАРЗДОРЛАРГА НИСБАТАН КУЗАТУВНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ҲАҚИДА ХАБАР***

*«TA`MINOT-SAVDO-SERVIS» ХФ, Манзил: Мунис кўча, 34-уй. Тошкент ш. Хўжалик суди 05.01.2004 й. № 10-0320/4056 Муваққат бошқарувчи — Р.М. Ҳотамбеков, Нукус кўча, 23а-уй «Банкротлик» иши мажлиси — 12.02.2004 й. соат 14-00 Манзил: Чўпон ота кўчаси, 6-уй, 3-зал. Хўжалик суди. Кредиторларнинг 1-йиғилиши 30.01.2004 й. соат 11-00 Манзил: Нукус кўча, 23а-уй, 602-хона. Миробод т.ДСИ*

*«BUKREEV» ХК, манзил: Мовароуннаҳр кўчаси, 37-уй, Тошкент ш. Хўжалик суди 05.01.2004 й. № 10-0320/4041 Муваққат бошқарувчи — Х.У.Содиқов, Нукус кўча, 23а-уй «Банкротлик» иши мажлиси — 29.01.2004 й. соат 11-00 Манзил: Чўпон ота кўчаси, 6-уй, 3-зал. Хўжалик суди Кредиторларнинг 1-йиғилиши 19.01.2004 й. соат 15-00 Манзил: Нукус кўча, 23а-уй, 602-хона. Миробод т.ДСИ*

*«BLOK-KALA» ЕАЖ, манзил: Қодирова кўчаси, 70-уй, Тошкент ш. Хўжалик суди 06.01.2004 й. № 10-0320/3960 Муваққат бошқарувчи — М.Кантарбаева, Нукус кўча, 23а-уй. «Банкротлик» иши мажлиси — 29.01.2004 й. соат 11-00 Манзил: Чўпон ота кўчаси, 6-уй, 3-зал. Хўжалик суди Кредиторларнинг 1-йиғилиши 19.01.2004 й. соат 15-30 Манзил: Нукус кўча, 23а-уй, 602-хона. Миробод т.ДСИ*

*«AL-NOSIR» ХФ, манзил: Т.Шевченко кўчаси, 526-уй. Тошкент ш. Хўжалик суди 06.01.2004 й. № 10-0320/3969 Муваққат бошқарувчи — Р.Ҳусанов, Нукус кўча, 23а-уй «Банкротлик» иши мажлиси — 29.01.2004 й. соат 12-00 Манзил: Чўпон ота кўчаси, 6-уй, 3-зал. Хўжалик суди. Кредиторларнинг 1-йиғилиши 19.01.2004 й. соат 16-00 Манзил: Нукус кўча, 23а-уй, 602-хона. Миробод т.ДСИ*

***«БАНКРОТ» ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН КОРХОНА ҲАҚИДА ХАБАР***

*«NEVEROV» ХК, манзили: Охунбобоев кўчаси, 34-уй. Тошкент ш. Хўжалик судининг 15.01.2004 йилдаги № 10-0420/217-сонли Қарорига асосан «БАНКРОТ» деб эълон қилинди. Тугатиш бошқарувчиси — Х.У.Содиқов. Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан 2-ойлик муддатда қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: Тошкент ш. Миробод тумани, Нукус кўча, 23а-уй.*

## «02»: ҲОДИСАЛАР

### ЛАҚМАЛИГИ ПАНД БЕРДИ

***Ёмғир. Бекат. Қўйлиқ даҳаси, 3-уй. 15-хонадонда яшовчи, кўзлари мовий, малла сочлари эса белига тушган Наташа совуқдан қунишиб автобус кутиб турар эди. Шу дам унинг ёнига ширакайф бўлиб олган бир йигит келди.***

Қиз унчалик гўзал бўлмаса-да йигит унга бир култум сув билан ютиб юборгудек бўлиб қаради. Буни пайқаган, анчадан буён турмуш қуришни орзу қилган Наташа йигитга кўзини сузиб қўйди. Қиз мойиллик билдираётганидан янада ҳис-туйғулари жўшиб кетган йигитнинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди. Шундоққина қармоқ ташламаса ҳам ўзи илинаман деб турган қизга йигит бефарқ қараб кетолмади ва уни уйига кузатиб қўймоқчи эканлигини билдириб қўйди. Наташа албатта рози бўлди. Улар йўловчи машинани тўхтатиб Наташанинг уйига боришди. Наташа ҳеч қаерда ишламас, ота-онаси унга алоҳида квартира олиб берган, барча шарт-шароитлари бор эди. Қиз йигит ўтирган хонага қаҳва эмас вино олиб кирди. Улар бирга ичишди, турли хил ҳазиллар қилиб, вақтларини чоғ ўтказишди. Йигит ўзини Анвар деб таништирди. Анвар Наташага роса ичирди. Илгарилари бунчалик кўп ичмайдиган малла сочли қиз бир зумда «қотиб» қолди, кўзлари юмилиб уйқуга кетди. Эрталаб уйқудан уйғонган Наташа Анвар билан бирга компьютерига тегишли бўлган қисмларни ва бир нечта уй жиҳозлари йўқлигини пайқади. Кечаги ичкиликдан сўнг бошидаги кучли оғриқдан ҳафсаласи пир бўлган Наташа телефон гўшагини олиб милиция ходимларига қўнғироқ қилди.

Миробод тумани, Қўйлиқ даҳасидаги хонадонлардан бирида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган У.Анвар тезкор ходимлар томонидан қўлга олинди. Бўлиб ўтган жиноят ҳақида гапирадиган бўлсак, жабрланувчи ҳисобланган Наташани ҳам оқлай олмаймиз. Чунки унинг ўзи енгилтаклиги туфайли жиноят содир бўлишига имконият яратиб берди.

### ЛОҚАЙДЛИК ОҚИБАТИ

***Тонг отганда онасининг дуосини олиб, хуш кайфият билан Баҳром уйидан чиқди. Ўзининг яқинда олган «Нексия» русумли машинасини ҳайдаб ишхонаси томон йўл олди.***

Йўлда кета туриб чорраҳадан ўтаётган бир йигитга кўзи тушди. У йигит Баҳромга жуда таниш кўринди ва машинасини четга олиб тўхтади. Шунда Баҳром анчадан буён кўришмаган синфдоши Шуҳратни эслади. Шуҳрат ҳам Баҳромни кўриши билан таниб, дўстининг олдига югуриб келди. Кўришишмаганига анча бўлиб кетган икки дўст узоқ гаплашиб қолиб кетишди. Шунда Баҳром дўстига рўпарадаги қаҳвахонада ўтириб ёшлигимизни бир эслайлик деб қолди. Шуҳрат тезда рози бўлди. Дўстини кўриб, қувончи ичига сиғмай кетган Баҳром машинасини қулфлашни ёдидан чиқарди. Улар қаҳвахонада ўтириб анча суҳбатлашишди. Кўчага чиққанларидан кейин Баҳромнинг эсига машинасини қулфламагани тушди ва тезда машинада турган пулини текшириб кўрди. Не кўз билан кўрсинки Баҳром анчадан бери йиғиб юрган 2700 АҚШ доллари ва 25 000 сўм пули жойида йўқ эди. Шунда у ўзини қўлга олиб зудлик билан милиция ходимларига қўнғироқ қилди. Тезкор тергов ходимлари жиноятчининг изига тушишди.

Шайхонтоҳур туманида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Б.Дилшод далилий ашё билан қўлга олинди.

**Феруза УМРЗОҚОВА,**
**Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази жамоатчи мухбири.**

**ХИЗМАТ КЎРСАТИЛАДИ**
***каталог бўйича пардалар тикамиз. Карниз ўрнатамиз.***
***Тел: 176-63-87, 46-70-25.***

## ИШҚИБОЗ

*Ҳажвия*

Рихсивой тўрт қаватли уйнинг биринчи қаватида турадди. Ҳар куни машинасини гаражидан чиқариб келиб уй олдига шай қилиб қўяди. Чой-пойини ичиб олгач, машинасига ўтириб тирикчилигига жўнайди. Бугун ҳам чойини апил-тапил ичиб, машина капотини кўтариб ёғини текшириб кўрмоқчи бўлиб эндигина эгилган эди, тепадаги шовқин-суронтан чўчиб тушди.

— Ўлдираман! Қўйвор мени, болта қани?! Қаёққа беркиндинг муттаҳам!!! Вой-дод энди нима қиламан? Не-не умидлар билан боқиб, кўзимнинг қорачиғидек асраб юрувдима!!!

— Вой мен ўлиб кўяқолай, беркиниб турганини кўрмай қолибман!

— Нега кўрмайсан-а, нега кўрмайсан, кўрмисан? Йўқол кўзимдан, ҳозир абжағингни чиқараман!!!

Йўлак эшигидан кўзлари ола-кула бўлиб кетган, иккинчи қаватда турадиган қўшниси Файзираҳмон ёқавайрон ҳолда чиқиб келди. Қўшнисини бу аҳволда кўрмаган Рихсивой кўнглида бир нохушликни сезган ҳолда ҳовлиққанича унинг олдига борди.

— Нима гап Файзраҳ...

Рихсивойнинг гапи бўғзида қолди. Юраги тўлиб турган Файзираҳмон унга осилганича йиғлаб юборди.

— Айрилиб қолдим ака! Айрилиб қолдим! Ёнимдаги тиргагим эди-я! Мени кўрса хурсандлигидан ўзини қўйишга жой тополмасди-я! Вой-дод!

— Хай-хай, ўзингизни босинг, оғир бўлинг қўшни, ҳамманинг бошида бор савдо, биров олдин, биров кейин...

— Кўзларини мўлтиратганича қўлимда жон бердия! Вой-вой-вой! Бунга қандай чидайман!!!

— Худонинг иродасида, нимаям қилардингиз. Ўзи берди, ўзи олади. Эсиз, эсиз, афсус-афсус, оғир бўлинг, иродали бўлинг!

Йўлакдан кўзларида ёш билан чиқиб келган Файзираҳмоннинг хотинини кўрган Рихсивой алланечук бўлиб кетди. Ахир яқиндагина машинасида ўзи катта тантаналар билан туғруқхонадан ўғилчасини олиб келганди-да. Ўғилчали бўлдим, деб икки кило гуруч дамлаб улфатларига ош ҳам қилиб берганди. Воҳид деган жўраси салатни ўзим қойиллатаман деб, шунақанги салат қилганки... ошда бўлганларнинг кўпчилиги ҳалигача салат дейишса тескари қарашади. Рихсивой хаёлини йиғиштириб олиб, келинга пешвоз чиқди.

— Бандаликда келин, сизларга бардош, сабр-тоқат тилайман!

Домчиликмасми, шовқин-суронга бир зумда қўни-қўшнилар йиғилиб келишди. Эр-хотиннинг кўзларидаги ёшни кўриб, Рихсивойнинг кўнгил сўраётганини эшитиб қўни-қўшнилар ҳам кўнгил сўрашиб, таъзия билдира бошлашди. Қўшниларининг ҳамдардлигиданми ёки ўзи тўлиб турган эканми Файзираҳмон хотинини қувлаб қолди.

— Ҳаммасига сен айбдорсан, сен! Ҳозироқ лаш-лушингни олиб онангникига жўнатвораман! Менинг хону монимга ўт қўйдинг!

Вақтида етиб келган маҳалла оқсоқоли Қоравой ака ҳай-ҳайлаб ҳаммасини бости-бости қилмаганида, ким билсин нима билан тугарди бу машмаша.

— Бу нима шармандалик Файзираҳмон, уят эмасми, яна маҳалланинг посбони бўлсанг, эшитган қулоққа яхши эмас. Келин, сиз ҳам битта гапдан қолинг! Хўш, жаҳл чиқса, ақл кетар — деган гаплар бор. Бошларингга катта мусибат тушиб турсаю, сизлар бўлсаларинг... шайтонга ҳайф беринглар!!! Рихсивой, бу у ёқ-бу ёққа хабар қилдингми ўзи?

— Мен ҳам шошиб қолдим Қоравой ака!

— Бу шунақа кутилмаганда келадиган иш. Бемаслаҳат. Хўш, Файзираҳмон, узоқ-яқин қариндошларга хабар бердиларингми? Сизчи келин?

— У киши хабар берса бераверсинлар, мани битта бедана учун жанозага келадиган аҳмоқ қариндошларим йўқ!

Ҳамма турган жойида қотиб қолди. Анграйганича қолган Қоравой ака бироздан кейин ўзига келиб.

— Қанақа бедана? Нима бўлди ўзи?! — дея олди холос. Гапни Файзираҳмоннинг хотини илиб кетди.

— Мен Абдураҳмонни ухлатмоқчи бўлиб ичкари уйда овора бўлиб ётгандим. Бу киши бўш қолди дегунича билганлари бедана. Эртаю-кеч ўша зормандалари билан оворалар. Боя гузарга олиб чиқаман деб, тўрқовоғи билан беданасини эшик олдига қўйиб: «қараб тур» — деб кетувдилар. У зормандаанинг ҳам тўрқовоғи ечилиб кетган экан. Чалғиб қолибман. Бир пайт қарасам, биринчи қаватдаги Рихсивой акамларга рўпара қўшни Маша холанинг қора мушуги тишлаб олиб кетаётганини кўриб ҳай-ҳайлагандим, ташлаб қочди, кейин бу киши келиб ўдағайлаб кетдилар.

— Ҳо, гапини қаранг, ўзингнинг пулинг куймаганда-а? Пирим прокатдан нақд санаб бериб, юз мингга олганман-а, бунақа сайроқисини топиб бўпсан! Қоравой ака, ў бирда сиз, шу сайроқисини менга бер, деганингизда бермовдиму, ўша бедана-да! Вой, мени хонавайрон қилди бу хотин, ака!!!

Шу пайт йўлакдан лабларини ялаганча, қора мушук чиқиб келди. У ҳаммага ажабланиб бир қаради-да, керишиб олиб, тантанавор юриб кета бошлади. Тўсатдан, мушукка кўзи тушган Файзираҳмоннинг жазаваси тутди.

— Ҳой хотин, болта қани! Ҳозир чопиб ташлайман! Тўхта!!!

Ҳамманинг ҳай-ҳайлашига ҳам қарамай, Файзираҳмон қора мушукнинг ортидан қувлаганича чопиб кетди.

**Ҳайитали НИЗОМИДДИНОВ**

*Бўш вақтингизда*

## КРОССВОРД

**Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида**: 1. Пойтахтимиздаги туман. 3. Тошкент вилоятидаги зиёратгоҳ. 5. Йирик гулли пояси узун ўсимлик. 7. Тригонометрик функция. 10. Тўпли спорт ўйини. 11. Марказий Осиёдаги водий. 14. Сут эмизувчи жониворлар мажмуи. 16. Маълум соҳани бошқарувчи, белгили штат ва маъмуриятга эга бўлган ташкилот. 18. Қаттиқ жисмлар ташқи таъсиридан юзага келадиган сиқилиш ва кенгайиш ҳодисаси. 20. Опера асари матни.

**Энига:** 2. Хорижий валюта. 4. Ёруғлик. 6. Физик зарра. 15. Миллат. 17. Ҳашарот. 19. Ип газлама.

**Бўйига:** 8. Сув йўли. 9. Фасл. 12. Кимёвий модда. 13. Шахмат донаси.



## КРИПТОГРАММА

Шакл марказидаги рақамларда ҳикматли сўз яширинган. Уни қуйидаги очқич сўзлар асосида билиб олинг. 1. Ҳарбий қисм бошлиғи — 15, 8, 6, 2, 3, 5, 1, 4.

2. Магнитнинг қарама-қарши томонидан бири — 14, 11, 13, 10.

3. Ер шари нусхаси — 9, 7, 8, 10, 11, 12.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**

**Газетанинг шу йил 9 январь сонида берилган «Ҳ» ҳарфли бошқотирманинг жавоблари:**

**Ёйлар бўйича марказ томон:** 1. Ҳимолай. 2. Ҳоким. 3. Ҳалол. 4. Ҳақиқат. 5. Ҳасанов. 6. Ҳисор. 7. Ҳамон. 8. Ҳабибий. 9. Ҳаракат. 10. Ҳилол. 11. Ҳикоя. 12. Ҳакимов. 13. Ҳамисий. 14. Ҳирот. 15. Ҳамал. 16. Ҳашарот. 17. Ҳасанот. 18. Ҳакам. 19. Ҳашам. 20. Ҳарорат. 21. Ҳамадон. 22. Ҳолат. 23. Ҳосил. 24. Ҳисобот.

Муаммонома

**Очқич сўзлар:** 1. Кадр. 2. Бичим. 3. Нил.

**Ҳикмат: Билимлидан ақл чиқар, ақллидан нақл чиқар.**

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 5576 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта булимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-207. 1 3 4 5 6